

ДТМ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ КОМИССИЯСИ ҳисоботи

Давлат тест маркази коррупцияга қарши

2019 йил 22 феврал куни “Давлат тест маркази коррупцияга қарши” мавзуида навбатдаги очиқ мулоқот ўтказилди. Тадбирда Тошкент давлат юридик университети вакили – юридик фанлари доктори, профессор Мухамеджанов Омон Зокирович, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва Давлат тест маркази ходимлари иштирок этдилар. Очиқ мулоқотда мавзуга оид ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш ижтимоий зурурат

эканлиги, коррупцияга қарши курашда жамоатчиликнинг роли, Ўзбекистонда коррупцияга йўл қўймаслик юзасидан олиб борилаётган амалий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар бўйича маърузалар ўқилди ва презентациялар намойиш қилинди.



Учрашув жараёни



Коррупция сифатли таълимнинг кушандаси

Марказнинг Жиззах вилояти бўлими томонидан 2019 йил 5 февраль куни Жиззах давлат педагогика институти маданият саройида “Таълим муассасаларида Коррупцияга қарши курашнинг

маънавий-маърифий асослари” мавзусидаги “Коррупция сифатли таълимнинг кушандаси” мавзусида маъруза қилинди .



Оқибати аянчли бўлади!

Давлат тест маркази

1 сон

Бюллетень чиқарилган сана: 07.06.2019 й.

Эътиборингизни қаратинг:

- 2018/2019 ўқув йили учун ОТМ кириш учун ташкил этилган тест сновларини қандай баҳолайсиз?

Яхши—49.27%

Қониқарли—32.18%

Қониқарсиз—18.55%

- ДТМ фаолиятини қандай баҳолайсиз?

Яхши—42.75%

Қониқарли—36.43%

Қониқарсиз—20.82%

ДТМ сайти маълумотлари асосида тайёрланган.

Ушбу сонда:

Бўлимлар фаолияти 2

Бўлимлар фаолияти 2

Бўлимлар фаолияти 2

Бўлимлар фаолияти 3

Бўлимлар фаолияти 3

Бўлимлар фаолияти 3

Дастур ижроси 4

ДТМ Сирдарё вилояти бўлимида учрашув

Сирдарё вилояти бўлими томонидан Гулистон Давлат университети қошидаги Гулистон академик лицейида коррупцияга қарши курашиш бўйича 2019 йил 4 февраль кунини 2-3-босқич битирувчи ўқувчилари учун йиғилиш ўтказилди.

ДТМ Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Бухора, Хоразм, Жиззах вилоят бўлимида ҳам Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2752-сон қарори билан тасдиқланган “2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури”да белгиланган топшириқлар асосида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар режаси бўйича ишлар амалга ошириб келинмоқда.



Сирдарё вилоятидаги учрашув лавҳаси.

ДТМ Фарғона вилояти бўлимида учрашув

Бўлим ходимлари томонидан 2019 йил апрель ойи давомида 4 та туман ва 1 та шаҳарда 6 та таълим муассасасида очик мулоқотлар ўтказилди. Ўтказилган учрашувларда 1171 нафардан зиёд битирувчи ўқувчилар, педагоглар ва ота-оналар иштирок этдилар. Учрашув катнашчиларига бугунги кунда фарзандлари учун Давлатимиз томонидан



яратилаётган қулайликлар, кириш тест синовларини ўтказишда кўзда тутилган

янгиликлар ҳамда ўқишга киришда алданиб қолмаслик, коррупцияни олдини олиш тўғрисида тушунчалар берилди. Учрашув иштирокчиларига Давлат тест маркази ходимлари томонидан доимий равишда тест жараёнларини шаффоф, ҳолис ўтказилиши тўғрисида тушунчалар берилди.

Коррупцияга қарши курашиш – барчамизнинг вазифамиз

Қорақолпоғистон республикаси бўлими ходимлари 2019 йил 17 май кунини ТошПТИ Нукус филиали академик лицейи ўқувчилари ва ходимларига (битирувчи босқич ўқувчилар ва абитуриентлар)

“Коррупцияга қарши курашиш – барчамизнинг вазифамиз” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.



Коррупцияга қарши курашишни ўзимиздан бошлайлик!

ДТМ Самарқанд вилояти бўлимида учрашув

18.02.2019 йил Самарқанд шаҳри 43-ИДУМ ва 51-ИДУМ, 19.02.2019 йил Оқдарё тумани 45-ИДУМ ва 52-ИДУМИ, 20.02.2019 йил Иштихон тумани 1-ИДУМ ва 2-ИДУМ, 21.02.2019 йил Жомбой тумани 40-ИДУМ ва 56-ИДУМ, 22.02.2019 йил Самарқанд шаҳри 1-ИДУМ ва 37-ИДУМ

ларида битирувчи синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари ҳамда мактаб ўқитувчилари билан ДТМ вилоят бўлими фаолияти ва оширилаётган ишлар тўғрисида бевосита мулоқотда ҳам коррупция ва уни келтириб чиқараётган омиллар ҳақида сўз юритилди.



Очиқ мулоқат

ДТМ Наманган вилояти бўлимида учрашув

2019 йил 22-23 апрел кунлари 2019/2020 ўқув йилида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларига гуруҳ назоратчиси сифатида жалб этилиши режалаштирилган Наманган вилояти халқ таълими тасарруфидаги



умумтаълим мактабларидан ҳамда Наманган вилояти

ОТМларидан педагог ва раҳбар ходимларга ўтказилган семинар давомида коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олиш бўйича қисқача маърузалар қилинди.

ДТМ Андижон вилояти бўлимида учрашув

Вилоят бўлимида «Коррупцияга қарши курашиш» бўйича бир қанча тадбирлар уюштирилди. Жумладан, 2019 йил 19 апрель кунини Андижон вилоятининг Андижон шаҳар, Андижон тумани ва Олтинқўл тумани Халқ таълими бошқармаларига қарашли таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари, психолог ва ўқитувчилар иштирокида 2

сменада семинар машғулотлари бўлиб ўтди. Семинарда режалаштирилган 416 нафардан 316 нафар иштирокчилар катнашдилар. 2019 йил 24 апрель кунини Андижон вилояти



Учрашувлар самарали ўтди.

Халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги Андижон тумани 10-сонли Давлат ихтисослаштирилган мактабда бўлиб ўтди.

Давлат тест маркази

Тошкент шаҳри,
Юнусобод тумани,
Боғишамол кўчаси, 12 уй.

Телефон: (71) 234-72-50
Ишонч тел: (71) 199-19-14
Эл. почта: info@dtm.uz



ДТМ коррупцияга қарши
курашиш комиссияси

Каким будет завтра,
если не остановить коррупцию



ДТМ девизи:
Марказда—адолат, шаффофлик ва
очиқликни таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019
йил 27 майдаги ПФ-5729 сонли “Ўзбекистон
Республикасида коррупцияга қарши
курашиш тизимини янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида” ги Фармони ДТМ да 2019 йил 28
май куни барча ходимлар иштирокида ўрганиб
чиқилди. Ушбу Фармон ижросини таъминлаш
мақсадида марказ директорининг 2019 йил 29
майда № 01-330 сонли буйруғи қабул қилинди.
Буйруқ асосида ДТМ коррупцияга қарши
курашиш бўйича комиссиянинг янгиланган
таркиби киритилди.

Биласизми!!!

<https://transparency.org.ru/> сайти маълумотида асо-
сан давлатларнинг 2018 йилдаги коррупция бўйича рейтингини
эълон қилинди (иштирок этган давлатлар сони 183 та):

1. Дания—88 балл, 1 ўрин
2. Я. Зеландия—87, 2
3. Финландия—85, 3
4. Қозоғистон—31, 124
5. Қирғизистон—29, 132
6. Ўзбекистон—23, 158

Давлат дастури ижроси таъминланмоқда.

**Коррупциянинг олдин
олиш ва унга қарши
курашишнинг самарали
механизмларини яратиш (4-
банд).**

Давлат тест марказида
жамоатчилик томонидан
назорат қилинадиган
коррупцияга қарши курашиш
бўйича ички дастур ишлаб
чиқиш;


фуқароларнинг
мурожаатларидан келиб чиқиб
ва коррупцияга шароит
яратувчи ҳолатларни ўрганган
ҳолда уларни бартараф этишга
қаратилган таклифлар ишлаб
чиқиш;

Давлат тест марказида
коррупцияга қарши курашиш
комиссиясининг фаолиятини

такомиллаштириш юзасидан
таклиф тайёрлаш.

2019 йил 6 мартда Давлат тест
марказида жамоатчилик
томонидан назорат
қилинадиган коррупцияга
қарши курашиш бўйича ички
дастур ишлаб чиқилди ва
марказ директори томонидан
тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош



прокуратураси ҳамда Жаҳон
банки томонидан 2019 йил 24
апрелда ташкил этилган
“Ўзбекистон Республикаси
Жаҳон банкининг давлат
бошқаруви

индикаторларидаги
кўрсаткичларни яхшилаш”
мавзусидаги халқаро давра
суҳбатига ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Бош
прокуратураси томонидан 2019
йил 23 май куни ташкил
этилган “4-й раунд Монито-
ринга Ўзбекистана в рам-
ках Стамбульского плана
действий по борьбе с кор-
рупцией ОЭСР” мавзусидаги
халқаро конференцияга Ф.
Мирзаев иштирок этди.